

**Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари
иттифоқ қилган ҳадислар / 265-ҳадис**

265 - عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ، قَالَ: سُئِلْتُ عَنِ الْمُتَلَاعِنِينَ فِي امْرَةٍ مُصْعَبٍ أَيَفْرَقُ بَيْنَهُمَا؟ قَالَ: فَمَا دَرَيْتُ مَا أَقُولُ، فَمَضَيْتُ إِلَى مَنْزِلِ ابْنِ عُمَرَ بِمَكَّةَ، فَقُلْتُ لِلْعُلَامِ: اسْتَأْذِنْ لِي، قَالَ: إِنَّهُ قَائِلٌ، فَسَمِعَ صَوْتِي، قَالَ ابْنُ جُبَيْرٍ؟ قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: ادْخُلْ، فَوَاللَّهِ، مَا جَاءَ بِكَ هَذِهِ السَّاعَةَ إِلَّا حَاجَةٌ، فَدَخَلْتُ، فَإِذَا هُوَ مُفْتَرِشٌ بَرْدَعَةً مُتَوَسِّدًا وَسَادَةً حَشْوَهَا لَيْفٌ، قُلْتُ: أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْمُتَلَاعِنَانِ أَيَفْرَقُ بَيْنَهُمَا؟ قَالَ: سُبْحَانَ اللَّهِ، نَعَمْ، إِنَّ أَوَّلَ مَنْ سَأَلَ عَن ذَلِكَ فُلَانٌ بَنُ فُلَانٍ، قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَرَأَيْتَ أَنْ لَوْ وَجَدَ أَحَدُنَا امْرَأَتَهُ عَلَى فَاحِشَةٍ، كَيْفَ يَصْنَعُ إِنْ تَكَلَّمَ بِأَمْرِ عَظِيمٍ؟ وَإِنْ سَكَتَ، سَكَتَ عَلَى مِثْلِ ذَلِكَ، قَالَ: فَسَكَتَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمْ يُجِبْهُ، فَلَمَّا كَانَ بَعْدَ ذَلِكَ أَتَاهُ، فَقَالَ: إِنَّ الَّذِي سَأَلْتِكَ عَنْهُ قَدْ ابْتُلِيَ بِهِ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ هَذِهِ الْآيَاتِ فِي سُورَةِ النُّورِ: {وَالَّذِينَ يَزْمُونَ أَزْوَاجَهُمْ} فَتَلَاهُنَّ عَلَيْهِ، وَوَعَظَهَا، وَدَكَرَهَا، وَأَخْبَرَهُ: أَنَّ عَدَابَ الدُّنْيَا أَهْوَنُ مِنْ عَدَابِ الْآخِرَةِ، قَالَ: لَا وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا كَذَبْتُ عَلَيْهَا، ثُمَّ دَعَاهَا فَوَعَظَهَا وَدَكَرَهَا، وَأَخْبَرَهَا أَنَّ عَدَابَ الدُّنْيَا أَهْوَنُ مِنْ عَدَابِ الْآخِرَةِ، قَالَتْ: لَا، وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ إِنَّهُ لَكَاذِبٌ، فَبَدَأَ بِالرَّجُلِ، فَشَهِدَ أَرْبَعَ شَهَادَاتٍ بِاللَّهِ إِنَّهُ لَمِنَ الصَّادِقِينَ، وَالْحَامِسَةَ أَنَّ لَعْنَةَ اللَّهِ عَلَيْهِ إِنْ كَانَ مِنَ الْكَاذِبِينَ، ثُمَّ ثَنَّى بِالْمَرْأَةِ، فَشَهِدَتْ أَرْبَعَ شَهَادَاتٍ بِاللَّهِ إِنَّهُ لَمِنَ الْكَاذِبِينَ، وَالْحَامِسَةَ أَنَّ غَضَبَ اللَّهِ عَلَيْهَا، إِنْ كَانَ مِنَ الصَّادِقِينَ، ثُمَّ فَرَّقَ بَيْنَهُمَا.

[خ 4748، م 1493، ت 1202، س 3473، د 2257، ج 2069].

«Мусъабнинг амирлик даврида мендан «Икки мулоъаначини ажраштириб юбориладими?» деб сўрашди. Нима дейишимни билмадим. Кейин Ибн Умарнинг Маккадаги уйига бордим ва ғуломга: «Мен учун изн сўрачи», дедим. «У қайлула* қилаётган эди», деди. Шу пайт у (Ибн Умар) менинг овозимни эшитиб, «Ибн Жубайрми?» деди. Мен: «Ҳа», дедим. «Киравер! Аллоҳга қасамки, бу пайтда сен фақат бирор иш билан келгансан», деди. Кирсам, у хачирнинг ёпқичи устида ястаниб, хурмо қипиғи тўлдирилган ёстиқни болиш қилиб олган экан.

«Абу Абдуррахмон! Икки мулоъаначи ажрим қилинадими?» дедим. У: «Субҳаналлоҳ! Ҳада. Бу ҳақда биринчи сўраган киши Фалончининг ўғли Фалончидир. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, айтингчи, агар бирортамиз аёлини фаҳш устида топса, нима қилади? Ахир гапирса, жуда оғир иш ҳақида гапирган бўлади, жим турса, шундай иш устида ҳам жим турган бўлади», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сукут қилдилар, унга жавоб бермадилар. Кейинроқ у келиб, «Сиздан сўраган нарсамга ўзим мубтало бўлдим», деди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла Нур сурасидаги «**Ўз жуфтларини** (зинода) **айблайдиганлар...**» деган оятларини нозил қилди. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам) уларни унга тиловат қилиб бердилар, ваъз-насихат қилдилар, эслатма бердилар ва бу дунёнинг азоби охиратнинг азобидан енгил эканини айтдилар. У эса: «Йўқ! Сизни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, мен унга нисбатан ёлғон гапирмадим», деди. Кейин у зот уни (аёлни) чақириб, унга ҳам ваъз-насихат қилдилар, эслатма бердилар ва бу дунёнинг азоби охиратнинг азобидан енгил эканини айтдилар. У ҳам: «Йўқ! Сизни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, у алдаяпти», деди.

Шунда у зот эркакдан бошладилар. У Аллоҳни ўртага қўйиб, ўзининг рост айтаётганига тўрт марта гувоҳлик берди ва бешинчисида «Агар ёлғончи бўлсам, менга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», деди.

Сўнг иккинчи навбатни аёлга бердилар. У ҳам Аллоҳни ўртага қўйиб, унинг (эрининг) ёлғон айтаётганига тўрт марта гувоҳлик берди ва бешинчисида «Агар у рост айтаётган бўлса, менга Аллоҳнинг ғазаби бўлсин», деди. Шундан сўнг у зот уларни ажраштириб юбордилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можга ривоят қилишган.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI